

ХДП

1918-йил
21-йундан чиқа
бoshлаган

№48, 2023-йил
6-декабр,
chorshanba (32.794)

O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан 1 декабрь куни Дубай шаҳрида ўтган БМТ Иқлим ўзгариши бўйича конференциясининг (COP28) асосий ялпи сессиясида иштирок этди.

Тадбирда дунёнинг 170 дан зиёд мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарлари, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар раҳбарлари қатнашди.

Конференциядаги нутқида Давлатимиз раҳбари ҳозирги даврда иқлим муаммолари жаҳондаги барқарор ривожланиш йўлида энг асосий таҳдидга айланиб улгургани, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари замонамизнинг энг аянчли экологик инқирозларидан бири – Орол фожиаси туфайли Марказий Осиё ва унга ёндош минтақаларда айниқса жиддий сезилаётганини айтиб ўтди.

Президентимиз иқлим ўзгаришига қарши фақат бирдамлик ва кенг халқаро ҳамкорлик орқали самарали курашиш мумкинлигини таъкидлаб, қуйидаги таклифларни илгари сурди.

✓ Париж шартномаси доирасида Иқлим ўзгаришига мослашиш соҳасидаги Глобал ҳадли механизми тезроқ келишиш тарафдоримиз.

Биз Марказий Осиё иқлим мулоқоти платформасида Адаптация стратегиясини ишлаб чиқмоқдамиз.

✓ Глобал миқёсда кам углеродли иқтисодиётга ўтиш адолатли, шаффоф ва инклюзив бўлиши зарур.

Бунда ривожланаётган давлатларнинг манфаатлари албатта инобатга олиниши шарт. Бу муаммони "Катта еттилик ва йигирмалик" форматларида доимий кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

✓ Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг резолюцияси асосида Оролбўйи ҳудудини экологик офат зонасидан "инновациялар, технологиялар ва янги имкониятлар минтақаси"га айлантarmoқчимиз.

Бу ерда Иқлим технологиялари халқаро экспo-хабини яратишда яқин ҳамкорликка таклиф этаман.

✓ Иқлим ўзгаришига қарши курашда илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш лозим.

Тошкентдаги "Яшил университет" негизидаги "Иқлим илмий форуми"да давлатларингиз етакчи олим ва экспертларини иштирок этишга чақираман. Ер деградацияси, сувдан фойдаланиш, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари Форум кун тартибидан жой олади, деб ишонаман.

✓ БМТ билан 2024 йили Ўзбекистонда "Иқлим миграцияси" конференциясини ўтказиш ниятидамиз.

Халқаро меҳнат ташкилоти билан "Яшил бандлик" дастури"ни ишлаб чиқиш ва Моделлаштириш марказини ташкил этишни таклиф қиламан.

COP Ёшлар конференциясини мамлакатимизда юқори даражада ташкил этишга тайёрмиз.

СУВНОМА



ТОМА-ТОМА КЎЛ БЎЛУР, ТОММАЙ ҚОЛСА, ЧЎЛ БЎЛУР

ЭНГ ФАОЛ ДЕПУТАТ АНИҚЛАНАДИ

Бугун кўҳна Бухоро шаҳрида "Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг энг фаол депутати" кўрик-танлови якуний босқичи бўлиб ўтади.

Унда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар босқичларида ғолиб бўлган халқ вакиллари иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31 йиллиги арафасида "Барчага ғамхўрлик – давлатнинг бурчи" шиори остида ўтаётган танловда депутатлар 3 та шарт бўйича беллашади.

Ўзбекистон ХДП Ахборот хизмати.

3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши томонидан «Меҳр улашайлик» лойиҳаси доирасида амалий тадбир ўтказилди.



ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, айниқса ногиронлиги бор шахсларга жамиятимизда тенг имконият ва шароитлар яратиб бериш долзарб масалалардан бирига айланган. Шу мақсадда ногиронларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг камситилишига йўл қўймаслик, ногиронларнинг шаъни ва қадрини ҳимоя қилиш, ногиронларнинг ҳуқуқлари ва улар учун имкониятлар тенглигини таъминлаш, ногирон болаларнинг мактабгача ва мактабдан ташқари таълимини, касб тайёргарлигини, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим олишини таъминлаш белгиланди.

Ўзбекистон ХДПнинг сайловолди платформасида меҳнатга лаёқатсиз ногиронлар, аҳолининг

меҳнат қила олмайдиган бошқа ижтимоий гуруҳлари, ёлғиз кексаларга моддий ёрдам бериш имкониятлари ва ҳуқуқларини кенгайтиришга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган.

3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати пойтахтимизда истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган бир гуруҳ инсонлар учун дастурхон ёзилди. Улар билан самимий мулоқот қилиниб, илиқ сўзлар айтилди, тилаклар билдирилди.

Партиянинг масъул ходимлари, Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари, партия фаоллари иштирок этган тадбир якунида партиянинг эсдалик совғалари топширилди.



БОШИ БОР, ОХИРИ ЙЎҚ

3 САҲИФА

БОШИ БОР, ОЖИРИ ЙЎҚ

Халқ демократик партияси фаоллари пойтахтимизнинг Чилонзор туманида пиёдалар ўтиш йўлакларининг ҳолатини ўрганди

БУГУН ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ПИЁДАЛАР ЎТИШ ЖОЙЛАРИ АҲОЛИ УЧУН, НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР УЧУН ҚАЙ ДАРАЖАДА ҚУЛАЙ? ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ТАРТИБИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЧИЛОНЗОР ТУМАНИНИНГ АЙРИМ КЎЧАЛАРИДА ЎРГАНИШ ОЛИБ БОРДИ. ХУСУСАН, "ЧИЛОНЗОР", "ҚАТОРТОЛ" КЎЧАЛАРИ ҲАМДА КИЧИК ХАЛҚА ЙЎЛИДАГИ СВЕТАФОРЛАР, ЧОРРАҲАЛАР ЎРГАНИЛДИ. АҲОЛИ ВАКИЛЛАРИ ФИКРЛАРИНИ БИЛДИРДИ.



Қатортол кўчаси.

— Набирам билан айланишга чиққандик, йўллардаги ҳаракатни кўриб, хавотирга тушдим, — дейди **Наргиза Йўлдошева**. — Айниқса, болалар аравачасида кўчада юриш жуда қийин. Йўлдан ўтиш учун пиёдалар учун шароитлар етарли эмас. Чунки пиёдалар ўтиш жойи бор, лекин унга ўтиб олиш имконсиз. Ўртада "лоток" ёки "бордюр"лар бор. Ҳайдовчиларга халал бериб, автомобиль йўлидан юришимизга тўғри келяпти. Пиёдалар йўлида ҳам юриш ноқулай. Менимча, йўллари "коляска"дан фойдаланмаган одамлар қурган, шекилли.

"Чилонзор" кўчасидаги "Роҳат" меҳмонхонасининг қаршида белгиланган пиёдалар ўтиш жойи бор. У ерда ҳам анча вақт кузатув олиб борилди. Ҳайдовчиларнинг пиёдаларга йўл бериши бир масала бўлса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркин ҳаракатланиши яна бир масала. Исмини сир туттишни истаган фуқаронинг сўзларига кўра, эмин-эркин ҳаракатланишга қийланади. Ҳамроҳларсиз камдан-кам кўчага чиқар экан. Чунки ногиронлик аравачасида йўллари кесиб ўтиш, умуман, кўчада мураккаб равишда юришда қийинликларга дуч келишни таъкидлади.

Шу кўчада жойлашган кўлаб пиёдалар ўтиш жойларида ана шундай ҳолатларнинг гувоҳи бўлдик. «Чилонзор» савдо маркази яқинидаги бекатнинг ҳар икки томонига чизилган пиёдалар ўтиш жойи эса одамларга хавфсизликдан кўра, хатар бераётгандек. Чунки, биламизки, пиёдалар автобусларнинг олд томонидан ҳаракатланиши уларнинг ҳаётини хатарга қўяди. Айни манзилда мавжуд ер ости ўтиш жойи эса фақатгина ёшлар ва соғлом одамлар учун мўлжалланган. Сабаби, пандус тик ҳолатда бўлгани учун қариялар, болалар аравачаси билан юрган оналар ёки ногиронлик аравачасидаги шахсларнинг ҳаракатланиши имконсиз.

Шу кўчада болалар аравачасида амалтақал қилиб йўлни кесиб ўтган аёл эса қуйидагиларни таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, ҳар куни бирор бир юмуш билан йўлни кесиб ўтишига тўғри келади. Лекин ҳайдовчиларга халал бериб, уларда норозиликларни келтириб чиқаришига тўғри келаркан. Чунки пиёдалар ўтиш жойидан ҳаракатланиб келган одам хавфсиз шаклда пиёдалар йўлига ўта олмади. Ўртадаги "лоток" бунга, ҳалақит қилади.

Эътибор қилган бўлсангиз, пиёдалар ўтиш

жойларининг айримлари светафорлар билан тартибга солинган. Бу борада ўзгаришлар бор. Лекин кўчани кесиб ўтган одам йўлини қай шаклда давом эттириши керак, деган саволга ҳамма жойда ҳам бош қотирилмаган чоғи. Акс ҳолда, биров меҳнат ва арзимаган маблағ эвазига ҳал этилиши мумкин бўлган масала бугун одамларга қийинчилик туғдирмас, уларнинг норозиликларини келтириб чиқармас эди.

Ойбек ИСОҚОВ,
Ногиронлар ассоциацияси раиси:

— Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғридаги қонуннинг 23-моддасида ижтимоий инфратузилма объектларини ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларига риоя этган ҳолда, лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш талаблари белгилаб қўйилган. Унга кўра, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг, шу жумладан, ўриндиқли аравачалардан ҳамда етакловчи итлардан фойдаланувчи шахсларнинг барча ижтимоий инфратузилма объектларига (турар жойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт объектларига, маданий-томоша муассасаларига ҳамда бошқа муассасаларга) монеликсиз кириши учун шарт-шароитлар яратиши шарт.

Шунингдек, қонунчиликка кўра, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, жамоат бинолари ҳамда иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжлари инobatга олинган ҳолда амалга оширилиши керак.

Айни қонуннинг 24-моддасида эса транспорт воситаларининг ва йўл инфратузилмасининг қулайлиги оид меъёрлар ўрин олган. Жумладан, транспорт воситаларининг ва йўл инфратузилмасининг қулайлиги аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи ташкилотлар (ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар) томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари иштирокида амалга оширилиши керак.

Шунингдек, тўхташ майдончаларини шахарсозлик нормалари ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, жиҳозлаш, жумладан, уларга пандуслар ва тутқичлар ўрнатиш, транспорт воситасининг кириш эшикларини олдидаги майдончаларда тактил қопламаларини қўллаш, шунингдек, электрон ахборот таблоларини ўрнатиш, пиёдалар ўтиш жойлари ва чорраҳала-

рини, кўчалар ҳамда умумий фойдаланишдаги йўллари ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларига мувофиқ мослаштириш, чорраҳаларда эса товушли ва визуал сигнализация тизимларини ўрнатиш зарурлиги ҳам қонунчиликда мустақамлаб қўйилган.

Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган шахсларга шароит яратиш бўйича шаҳарсозлик норма ва қоидаларига оид ҳуқуқий ҳужжат бор. Мазкур ҳужжатда қонун талабларини бажаришга оид ҳар бир масала аниқ-тиниқ ёзиб қўйилган. Оддий мисол, пиёдалар ўтиш жойлари ариқ ва лотоклар билан тугаши мумкин эмас. Уларнинг усти бетон қопламалар билан ёки бошқа воситаларда ногиронлиги бўлган шахсларга қулай шаклда беркитилиши лозим.

Бунинг ўзига эсим. Қурилиш вазирилик қошида нодавлат назорат инспекция ҳамда бино ва объектларни қабул қилиш давлат комиссияси бор. Лекин негадир бугунги қурилиш майдонида уларнинг иштироки у даражада сезилмаяпти. Ваҳоланки, қурилиш соҳасининг қай бир қўналиши бўлишидан қатъи назар, ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиксиз муҳит яратилмаса, улар ўзларининг бошқа қонуний ҳуқуқларидан ҳам фойдалана олмайд.

Яна бир жиҳати шундаки, ногиронлиги бўлган шахсларга қулай бўлган шароит барча учун қулайдир. Бунинг акси бўлса, нотенглик ва ҳуқуқларнинг чекланишига олиб келади.

Мана бу йил Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг бажарилиши билан боғлиқ бир йиллик ҳисобот берилди. Унда ҳам мазкур масалаларга алоҳида ўрин берилган. Яъни, камчиликлар бор ва уларни бартараф этиш зарур.

Тақлимимиз шундан иборатки, ушбу масала парламент назоратига олинса ва парламент даражасида муҳокамага қўйилса. Чунки жамоатчилик назорати бор. Нодавлат ташкилотлари, ХДП фаоллари ва бошқа алоқадор ташкилотлар қатор ишларни амалга оширяпти. Мониторинг ҳам олиб бориляпти. Бироқ натижа кўтилгандек эмас. Яъни, Қурилиш вазирилик ва улар орқали қурилиш ташкилотларининг масъулиятини ошириш учун масала парламентда кўриб чиқилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Чунки бу борада қонунчилик меъёрлари бор, қурилиш талаблари бор, ҳатто маъмурий жавобгарликка, яъни жаримага тортиш билан боғлиқ меъёр ҳам белгилаб қўйилган. Айбдор ёки жавобгар ким деган саволларга жавоб топиш учун ҳам тегишли ташкилот ва идоралар иштирокида парламент муҳокамаси амалга оширилиши зарур, деб ўйлайман.

Майли, ҳамма нарсани бирдан ўзгартириб юборишнинг имкони йўқ. Бунга тушунамиз. Лекин биринчи қадамни ташлаш мумкин-ку. Мисол учун, биринчи босқичда йўллар, бекатлар, светафорлар, жамоат транспортларини ногиронлиги бўлган шахсларга учун қулай ҳолатга келтириш бўйича доимий назорат олиб бориш лозим.

Чиндан ҳам, пиёдалар ўтиш жойлари ҳайдовчига ҳам, пиёдага ҳам қулай шаклда тартибга солиниши керак. Биз эса гувоҳи бўлдикки, пиёдалар ўтиш жойларининг ҳаммаси ҳам ушбу талабга жавоб бермайди. Ваҳоланки, пиёдалар йўлнинг бундай қисмидан кўрқмасдан ўтиши керак. Аҳоли хавфсизлигига хизмат қилиш учун мўлжалланган йўл чизиқлари, аксинча, уларнинг ҳаётини хатарга қўймоқда ва қийинчиликларга сабаб бўляпти.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон ovozi" муҳбири.

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Очиқ эшиклар куни" бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари, Ўзбекистон Миллий университети ижтимоий фанлар факультети профессор-ўқитувчи ва талабалари, ОАВ ходимлари иштирок этди.



Тадбир аввалида ташриф буюрувчилар Қонунчилик палатаси билан таништирилди. Хусусан, катта мажлислар зали, музей ва кутубхонага кичик тур ўтказилди. Бинонинг меъморчилиги, ўзига хосликлари ҳақида меҳмонларга маълумотлар берилди.

Шундан сўнг партия фракцияси ҳамда Ёшлар масалалари бўйича комиссия хамкорлигида "Конституция – ижтимоий давлатнинг ҳуқуқий асоси" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда янги тахрирдаги Конституция ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида фикр юритилди.

Таъкидландики, юртимизда кейинги йилларда қонун устуворлиги, эркинлик ва очиқликни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини олий кадрлар даражасига кўтариш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналиши сифатида қаралмоқда. Халқимиз учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизимини яратиш ҳаётини яқинлаштириш мақсадида айланди. Бунда янги тахрирда қабул қилинган Бош қонунимиз мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқ ҳокимиятини мустақамлаш, давлат бошқарувини янада демократлаштириш, фуқаролик жамияти институтларининг ролинини ошириш, давлат органларининг халқ билан беvosита мулоқот асосида фаолият юритишини кафолатлаштириш ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган эди. Янгиланган Конституцияда юртдошларимиз томонидан билдирилган тақлифлар, фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топди. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадларига ҳамоханлиги қайд этилди.

Шунингдек, партиянинг кўп



йиллик ғоялари Бош қонунимизда аниқ эттирилгани кўп сонли электрорат вакиллари учун муҳим аҳамият касб этганига урғу берилди.

Мисол учун, Конституцияимизнинг 42-моддасида ҳар ким меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш ҳуқуқига эга экани кафолатланди. 43-моддада эса давлат фуқароларни ишсизликдан ҳимоялаш, камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши белгиланди. Бундай халқчил конституциявий асослар эса ушбу йўналишдаги ишлар кўлами кенгайишига йўл очиши шубҳасиздир.

Тадбир давомида ўқитувчи ва талабалар ҳам мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

ЎЗХДП Ахборот хизмати.



Қатортол ва Тахтагул кўчалари кесилмаси.

ТОМА-ТОМА ТОММАЙ ҚОЛСА,

ЕР ЮЗИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЎСИШ ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИ СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА Фойдаланишни глобал миқёсда муҳокама қилишни, изчил чоралар кўришни тақозо қилмоқда. Марказий осий минтақаси тарихдан ўзининг минерал ва витаминларга тўйинган мазали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан дунёга донг таратган. Лекин кейинги йилларда минтақа давлатларида, асосан, минтақанинг қоқ марказида жойлашган ўзбекистонда сув билан боғлиқ муаммолар ўткирлаша бошлади. 29 ноябрь куни президент Шавкат Мирзиёев раислигида қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилон фойдаланиш ва йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



Мамлакатимиздаги сув ресурсларининг 20 фоизи ўзимизда, қолган катта қисми қўшни давлатларда шаклланади. Иқлим ўзгариши оқибатида сув манбалари йил сайин камайиб бориши, трансегаравий дарёларни бошқариш бўйича вазиятнинг жиддийлиги натижасида 2030 йилга бориб юртимиздаги сув танқислиги 15 миллиард куб метрга етиши прогноз қилинмоқда.

Йиғилишда шундай мураккаб ҳолатда ҳам сувдан самарасиз фойдаланилаётганимиз,

суғориш тизимидаги айрим муаммоларни хал қилиш, ҳаётий лойиҳалар, ибратли ишлар, таклифлар ҳақида фикр юритилади.

МУТАХАССИС ФИКРИ

Феруз Тошмуродов – Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг стратегик таҳлил бўлими бошлиғи:

– Вилоятимизда давлат ҳисобидаги йирик магистрал каналлар 2471 километрга етади. Шундан 878 километри тупроқли. Хо-

лари тайёрланмоқда. Канал мўлжалдаги сувни етказиши натижасида ташлаб қўйилган 5 минг гектардан ошдиқ ер яна экинзорга айланади.

Савол: – Менга аниқ айтишдики, вилоятда яна 20 минг километрдан ошдиқ ички каналлар бор экан. Бу иншоотлар бугунги талабга жавоб берадими?

Феруз Тошмуродов: – Фикрингизни тўшундим. Ҳақиқатни яшириб бўлмайди. Вилоятда тузилган режаларга кўра, улар бошқичма-бошқич таъмирланади. Ҳозир 1800 километрини бетонлаштириш учун ҳашар бошланиб кетган. Бундан ташқари, мавжуд 6200 километр лоток ариқларнинг 30 фоизи янгиланади.

СЕНАТОР НИМА ДЕЙДИ?

Қарши магистрал каналдан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи, Сенат аъзоси Илҳом Қурбонов шундай дейди:

– Президентимиз йиғилишда сувга бўлган муносабатни ўзгартириш, суғориш тизимини такомиллаштириш, соҳага илм-фан янгиликларини дадил жорий этиш ва бошқа вазифаларни олдимизга қўйиларки, чин маънода улар тарихийдир. Чунки шу соҳанинг бир вакили сифатида очдиқ айта оламаники, яхши ишлар билан бирга, катта қийинчилик ва муаммолар тўпланиб қолган.

– Вазифалар чиндан-да аниқ. Хўш, сиз бошқараётган тизимда иш қандай олиб борилапти?

– Масалани бундай қўймаган бўлардим, – дейди Илҳом Қурбонов. – Майли, бир бошидан бошлаш. Воҳа экинзорлари эҳтиёжи учун 75-80 фоиз сувни биз етказиб берамиз. Амударёдан 7 та каскад – кучли насос станциялар орқали 137 метр пастликдан сув олинади. Кейин Қарши, Миришкор, Косон, Муборак, Нишон, Касби, Қарши каби туманларга етказиб берилади. **Талимаржон сув омборига ҳам 1 миллиард кубометрдан ошдиқ сув ташланади** ва каналлар орқали туманларнинг экин майдонларига узатилади. Бундан ташқари, **Ғузор туманининг суғоришга бўлган эҳтиёжининг 45 фоизини қоплаб беряпмиз.** Аму суви айрим йирик sanoat корхоналари, баъзи чўл туманлари аҳолиси ичимлиги учун ҳам фойдаланилади. Аввал сув тиндирилиб, кейин узатилади.

– Яна бир савол, ички каналлар ва насос станцияларининг ҳолати қандай?

– Биз фойдаланаётган насос станцияларига замонавий ускуналар ўрнатилган ва узлуксиз таъмирлаб борилади. Ахир йил бўйи тин олмай ишлайди. Бошқармаимизда **900 га яқин ходим** меҳнат қилмоқда. Ички каналлар ва бошқа иншоотлар ҳақидаги маълумотларни соҳа мутахассисларидан оласиз. Масалан, **Косон туманида 1 декабрь куни ички каналларни бетонлаштириш** бошланди.

“НЕГАТИВ” ЭМАС, БАЛКИ ҲАҚИҚАТ

Пардани кўтариб, муаммоларни яширмай кўрсатиб берган соҳа мутахассисларидан бири “Негатив гаплар кўпайиб кетмадимикан?”, дея хавфсиради. У кишидан жуда миннатдор бўл-

дим ва исмини тилга олмадим. Мавзуни яхши ёритишга ёрдам берди, ахир воҳадаги энг аҳоли оғир туман Миришкор экан. Кейинги 2 йил ичида пахта, ғалла ҳосилдорлиги пасайиб кетмоқда, чорва озукаси экинзорларини суғориш тобора қийинлашмоқда.

– Э, ака, нимасини айтасиз, – дейди дард билан тумандаги йирик фермер хўжалиги раиси Алишер Ғаниев. – Жами 94 гектар еримиз бор. Охири қулоқдан сув ичади экинларимиз. Бу йил 40 гектар ўрнига 16 гектар ерга чигит экидик. Сув етишмагач, пахта ва ғалла режалари мўлжалда етмади. Бундай аҳволда режани бажариш ҳам қийин бўлади-да.

– Фермеримизнинг гапи тўғри, – дейди туманинг янги ҳокими Файзулло Ғуломов. – Агар келсангиз, ўзим олиб юриб, ютүк ва камчиликларимизни кўрсатардим. Туманимизда мўл ғалла, пахта етиштириш, чорвачилик озукасини кўпайтириш имконияти катта. Бирок Миришкор каналдан экинзорларимизга етарли сув келмаяпти. Сабаби нимада? Роса эскирган каналнинг тупроғига бизга ажратилган **сувнинг 35-40 фоизи сингиб** кетади. Ҳозир ички канал ва ариқларни имкон даражасида, ҳашар йўли билан бетонлаштиришни бошлаб юбордик. Насиб этса, келгуси йилда далаларимиз яшнайдими...

Ана шундай ҳашарчиларни Косон туманига келиб, ўз кўзим билан кўрдим. Тўғри, кейинги уч йил орасида туман қишлоқ хўжалиги воҳада пешқадам. Сув тақчиллигига қарамай, бу йил ҳам пахта, ғалла режалари мўлжалга етди. Ютуқларнинг боиси катта ташкилотчилик, сувни тежаш усулларининг дадил қўлланилаётганида. Аммо тупроқли ички каналларда кўп қийинчиликлар туғилибди. Шунинг учун етмишинчи йилларда қазилган Пудина канални бетон қилишга кўп ҳашарчи чиқибди. Мен қўдратли экскаватор, булдозерларни, бетон қоришмасини шибалаётган ҳашарчиларнинг ишини кўзатдим. Жами 60 гектар майдонда дехқончилик қилаётган тажрибали фермер Фахриддин Халилов “сувга сероб бўламиз”, деди севиниб. Экинларга Гувалак, Пистали, Зафаробод сингари 4 та насос станциялари сув ташлаб беради. Етмишинчи йилларда қурилган бу иншоотларни янгилаш учун шерикчилик асосида



жами сув ресурсининг 90 фоизи қишлоқ хўжалигида сарфланаётгани таъкидланди.

Масалан, юртимизда бир гектар пахта майдонини суғориш учун йилига **10-11 минг куб-метр сув сарфлангани** ҳолда, иқлими ва ери бизникига ўхшаш мамлакатларда **бундан 2-3 баравар кам сув ишлатилаётгани** келтириб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда **сув хўжалигига ҳар йили ўртача 1 миллиард доллар** маблағ йўналтирилиши айтилди. Эътиборлиси, соҳа бюджетдан маблағ олиш бўйича таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигидан кейин **4-ўринда турар** экан. Аммо тизимда ҳисоб-китоб тўғри йўлга қўйилмагани, сув ресурсларини бошқаришда эскича ёндашувлар сақланиб қолгани учун самара кам, дейилди.

Юртимизда қишлоқ хўжалиги яхши ривожлангани биз сувдан хоҳлаганимизча, нооқилона фойдаланишимиз кераклигини билдирмайди.

Мамлакатимиз жанубидаги Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги суғориш тармоқларининг ҳолати ва у ердаги вазиятни кенгроқ ёритишга ҳаракат қилдик.

Даставвал, Қашқадарё вилояти мисолида

лати ёмон бўлган **Миришкор канали 1973 йилда қазилган, кўп ишлар чала қолган, асосий қисмига бетон ётқизилмаган.** Натижада Миришкор, Муборак, Қарши, Нишон туманларига ажратилган **сувнинг 30-40 фоизи тупроққа сингиб кетмоқда.** Ахир, бундай аҳволда фермер нима қилсин? Мамлакатимиз раҳбари ўртага қўйган вазифаларни бажаришга киришдик. Жами йирик **417 километр сув йўли** янгидан бетон қилинади, таъмирланади. **90 километр канални таъмирлаш учун келгуси йил 100 миллиард сўм маблағ ажратилмоқда.** Хитой давлатининг 54 миллион долларлик инвестицияси 317 километрлик каналларни реконструкция қилишга сарфланади. Бундай лойиҳалар анчагина. Масалан, Ғузор ва Қамаш туманларига сув узатаётган “Пахтаобод” каналининг узунлиги **54 километр бўлиб, 1974 йилда қазилган.** Озроқ қисми бетон, қолгани тупроқ. Оқибатда каналдан **секундига 25 кубометр ўрнига 18 кубометр сув ўтапти.** Фойдали иш **ўлчами ҳам 72 фоизга тушиб** қолган. Уни таъмирлашга Жаҳон банкининг 40 миллион долларлик инвестицияси йўналтирилади. Мутахассислар иш жойини бориб кўришди, лойиҳа ҳужжат-



КҮЛ БҮЛҮР, ЧҮЛ БҮЛҮР



ишлайдиган "Бахт" ва "Бунёдкор" кластерлари аниқ режалар тузишибди. Яна бир маълумот – вилоятда 16 та эски насос станцияси таъмирга муҳтож бўлиб турибди.

– Ҳашарчиларимиз қандай ишлаётганини кўрдингизми? – дейди туман сув хўжалиги бўлим бошлиғи Фарход Искандаров. – Яна Беруний бўлимимизда иш бошланиб кетди. Умуман, туманимизда 1740 километр тупроқ канал бор. Тузилган режага кўра ўз кучимиз билан 98 километрни бетонлаштирмоқчимиз. Аммо ҳокимимиз ғайрат қилсақ, янада кўпроқ натижага эришамиз, демоқда. Орзумиз кўп, ғайратимиз етарли.

Деҳқоннинг даласига етарли сув борса, яйраб ишлайди. Уни ёқасидан олиш, сув танқис бўлса ҳам "Топ, пахта ва ғаллани", деб дўқ урадиган замонлар ўтиб кетди. Обиҳаётни етказинг, харажати ва солиқ пулини олинг! Мана, қандай ишлаш керак.

ТЕЖАЛГАНИ НАҚД ФОЙДА

Косон туманидаги "Пудина" канални таъмирлашга чиққан ҳашарчилар билан суҳбатлашар эканман, Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалик бошқармаси бўлим бошлиғи Дилшод Дўстмуродов билан танишиб қолдим ва фикрларини сўрадим.

– Сиз ҳам ҳашарга келибсиз-да, – дея самимий кулимсирайди Дилшоджон. – Э, ўғлингиз фермерми, демак, сув ташналигини яхши биласиз. Сувни тежаш усулларига қизиқаяпсиз, топдимми? Қулоқ солинг бўлмаса. Охириги ўн йилда вилоятимизда **39 минг гектарга яқин майдонни томчилатиб, 2274 гектар ерда ёмғирлатиб** сўғориш усуллари қўлланилмоқда. Сиз айрим томчилатиш ускуналари сифатсиз ўрнатилган, қурувчилар бажарилган ишни қиммат қилиб юборишмоқда, дедингиз. Камчиликларни яшириш мумкин эмас. Менимча, энди аҳвол яхши томонга ўзгаради. Хўш, яна **70 минг гектарга яқин майдонлар эгилувчан қувурлар, 25 минг гектардан ошиқ экинзор плёнка ёрдамида** сўғорилмоқда. Сувни тежашнинг бошқа усуллари ҳам бор. Масалан, **38 минг 554 гектар ерда лазер текислаш** ўтказилдики, натижада экинларга сув текис ва етарли узатилади.



Минг эшитгандан бир кўрган афзал. Косон туманидаги "Косон" фермер хўжалигининг тажрибали етакчиси Дўстёр Мавлонов билан унинг даласига бордим. Анча жойда ғўза қатор ораларига дон уруғи сочилиб, ниҳоллар кўкартириб олинди. Ғўзапоя сал ўтиб, ўриб олинаркан.

– Президентимиз ўтган йили даламизга келиб, шу майдондаги ғаллани кўргандилар, – дейди Дўстёр Мавлонов. – Қаранг, 18 гектар майдондаги ҳосилдорлик ўтган йили 90 центнердан ошди. Президентимиз турмушимиз, ишларимиз ҳақида сўрагандилар. Айниқса, сувни тежаш усулларини қўллаш ҳақида берган маслаҳатлари эсимда. Яқинда ўтган йилигида сув хўжалигини янада такомиллаштириш вазифаларини қўйдиларки, биз деҳқонлар чиндан қувонаёямиз. Ҳозир 80 гектар еримиз бор. Кредит олиб, 16 гектар пахта майдонига томчилатиб, 21 гектар ғаллазорда ёмғирлатиб сўғориш усулини қўллаёямиз. Бу йил ҳам пахта ва ғалла ҳосилдорлиги ошди, барини уруғлик учун топширдик, натижада даромадимиз кўпайди. Ҳисобладик, 30-40 фоизгача сувни тежаб қолибмиз.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ

Нақ Қашқадарё соҳилига етиб борган бу далаларга кўп келганман. Бутун умрини дала кезиб ўтказётган моҳир деҳқон, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдумурод Бозоров ҳақиқий донишманд. Ҳар борганимда тажрибаси, қилаётган ишлари билан танишиб, ҳайратим ошган. Хўжаликнинг 120 гектар ери бор. Ҳозир 35 гектар ерда томчилатиб сўғориш усули қўлланилмоқда.

– Ана шу даламизга Шавкат Мирмонович Бош вазирлик даврида 5 марта келганлар, – дейди Абдумурод ака. – Бир гал "Менга тандир нони ва бир коса қатик кифоя," деган эди. Оддий, дилкаш, меҳрибон инсон. Ҳозир сўғориш тизимини яхшилаш, обиҳаётни тежаш ҳақида айтганлари ҳам чексиз ғамхўрлик, келажак авлодларни ўйлаш туфайли, деб биламан. Мана, бу йил 70 гектар ерга қузги дон экишимиз керак. Аммо ғўза орасидаги 40 гектар ерга уруғ сочдик, ҳайрият, нами билан униб чикди. Яна 30 гектар ерда дон экиш учун сув йўқ. Даламиз охириги қулоқда, қишлоқ оралаб ўтган 10 километрга яқин катта ариқдан сув оламиз. Яхши кунлар келиши, сувга сероб бўлишимизга ишонаман.

– Ҳа-я, қутлуғ ёшга етибсиз, элга тўй қилиб берибсиз, умрингиз узоқ бўлсин!

– Фарзандларим, қавми-қариндош 80 ёшли умр тўйингизни ўтказамиз, дейишди, мен ҳам кўндим – дейди Абдумурод ака. – Қишлоқдошларим қутлади, олдиларига ош тортидик. Эшитган экан, Президентимиз табрикнома юборибдилар, мукофотга берилган "Жентра" енгил машинасини олиб келиб топширишди. Гап мукофотда эмас... Улуғ ёшга етдим, хануз даладаман, шоғирдларим, фарзандларим, эл билан биргаман. Аммо раҳбаримизнинг эътиборидан бошим кўкка етди...

Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
журналист.

СУВ ТЕКИН ЭМАСЛИГИНИ ТУШУНТИРИШ КЕРАК

Дунёда, хусусан, минтақамизда сув муаммоси тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги бир шароитда ўйламай ташланган ҳар бир қадам жуда қимматга тушиши мумкинлиги кўриниб турган ҳақиқатдир. Буни ҳисобга олмаслик, вазиятга ҳолис баҳо бермаслик миллионлаб одамларнинг тақдирига бепасанд қараш, назаримда.

Зеро, сув – тириклик рамзи, бебаҳо неъмат ва беназир тўхта ҳисобланади. Сувнинг обиҳаётлиги, уни исроф қилмаслик ҳақида ота-боболаримиздан бизгача кўплаб ўғитлар етиб келган. Ўйлаб кўриб амин бўламанки, аجدодларимиз даврида сув муаммоси ҳозиргидек глобал даражада муҳокама қилинмаган бўлса ҳам уларнинг фикрлари ҳозирги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган. Президентимиз раислигида шу йилнинг 29 ноябрь куни бўлиб ўтган йиғилишда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилгани бунинг исботидир.

Сурхондарё **ерларининг 80 фоизи насос орқали** сўғорилади. Бу ўз-ўзидан электр энергиясининг катта сарфини юзага келтиради. Вилоятда **137 та** канал бор. Уларнинг магистрал қисмининг узунлиги **1675 км.дан** ошмироқ. Шундан **800 км.дан** кўпроғи **бетонланган**, деярли **875 км эса бетонланма-**

"Чилмироб", шимолдан жанубга "Ҳазорбоғ" каналлари ўтади. Жойларда чорвачилик тараққий этмоқда. Боғдорчилик ва узумчилик ривожланыпти. Пахта, сабзавот, полиз экинлари ва бошқа йўналишлар йилдан-йилга яхшиланмоқда.

– Аҳолини кўп йиллардан буён обиҳаёт масаласи қийнаб келаётгани ҳақиқат, – дейди туман ирригация бўлими бошлиғи Абдурашид Тиркашев. – Худуддан оқиб ўтувчи "Чилмироб" канали қарийб 51 минг нафардан ортқ аҳоли томорқаларини сув билан таъминлайди. Танқислик натижасида 8 минг 200 га яқин хонадон муаммога дуч келганини алоҳида таъкидламоқчиман. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш кескин пасайганини кузатиш мумкин. Манзарали ва мевали дарахтлар қуриб бораётгани афсусланарли. Тилларанг товланувчи узумзорлар кўзланган ҳосилни бермаяпти.

"Чилмироб" канали **1975 йилда фойдаланишга топширилган. Узунлиги қарийб 35,5 километрга яқин. Шундан 7,5 километри бетон қопламали бўлса, 28 километрдан ортқ қисмини тупроқ ўзанлари** ташкил қилади. Сув ўтказиш қобилияти илгари **8,0 м³/секундга** ташкил қилган бўлса, **ҳозирда 5,0м³/секундга** тушиб қолган. Бу эса **умумий қувват 40 фоиз**, деганидир. Шунинг учун қуйидагиларни тақлиф қилмоқчиман.

"Сангардак" дарёсидан сув олинадиган 3,4 километрда бетон қопламали "дамба" ташкил қилиш керак. Канални тўлиқ бетонлаш устувор вазифа ҳисобланади. "Ойбарак-1" ва "Ойбарак-2" кўтарма насос станцияларининг қувватини ошириш керак.

– Туман марказидан ўтган "Ҳазорбоғ" канали уч-тўрт йил аввал хароб аҳволда бўларди, – дейди "Қурама-1" маҳалласида истикомат қилувчи Тожи Холиқов. – Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан кейин фойдаланишга топширилган дарё суви камайиб, бетонлар ўйилиб қолган. Ўтишдан қолган, аллақачон эскирган сув иншоотларини гапирмасам ҳам бўлади...

Президентимиз ташаббуслари билан "Ҳазорбоғ" каналида қуриш-таъмирлаш ишлари бажарилди.



ган, яъни тупроқ ўзанлидир. Мутахассисларнинг фикрича, тупроқ ўзанли каналларда сувнинг **30 дан 40 фоизгачаси** ерга сингиб кетади. Бу сув таннархи қимматлашига олиб келмоқда. Маълумотларга қараганда, йилига **20 миллион киловатт** соат электр бехуда сарфланаяпти.

Давлатимиз раҳбари Сурхондарёга ташрифи чоғида айтган "Сув текин эмас", деган ғоя қанчалик ҳаётийлигини англаб етамиз. Олтинсой туманида қандай ишлар амалга оширилаётгани, ечимини қутаётган муаммо ва долзарб вазифалар нималардан иборатлиги, уста бободоҳқонлар, миришкор томорқа ер эгалари ва тажрибали мутахассислар бу борада қандай фикрдалигига қизиқаман.

Олтинсой тумани вилоятнинг шимолий қисмидаги текисликда жойлашган. Ер юзаси шарққа томон пасайиб боради. Фарбий худудлари азим тоғларга тутташиб кетган. Худуд марказидан "Олтинсой" дарёси, юқори қисмидан

Қирғоқлар 3-5 метрга кўтарилиб, сув сиғими 3-4 баробарга ортди. Бу нафақат Денов, Олтинсой, Шўрчи, Қумқўрғон туманлари аҳолиси, балки Шеробод, Музработ, Бандихон ва бошқа худудларда яшовчи юртдошларимизнинг ҳам кўнглидаги иш бўлди.

Маълумот учун, Президентимизнинг вилоятга сафари чоғида мутасаддиларга 47 та канални бетонлаш бўйича икки йиллик дастур ишлаб чиқиш, сув йўқотилиши кўп бўлган 6 тасини таъмирлаш бўйича топшириқ берилди.

"Бирники – мингга, мингники – туманга", дейди доно халқимиз. Шундай экан, сувни авайлаб-асрашни ҳам биримиз ўзимиздан бошлайлик. Обиҳаёт масаласи нафақат миллий ва минтақавий, шу билан бир қаторда глобал муаммога айланиб бораётганини доим ёдда тутишимиз керак.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: Сув – ҳаёт-мамонт масаласи. Газетамизда "Сувнома" рукнини очдик. Бу биринчи мақола. Бундан кейин ҳам соҳага оид тажрибалар, мироблар ҳаёти, мутахассислар фикри изчил ёритиб борилади. Танқидий, таҳлилий, тажрибалаш ҳақидаги яхши мақола муаллифлари тақдирланади.



МАРКАЗИЙ БАНК ФИРИБГАРЛИКНИНГ ЙЎЛИНИ ТЎСА ОЛАДИ

«Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари тўғрисида» Президент қарори эълон қилинди. Унга кўра, Марказий банк ўғирлик ва фирибгарликнинг олдини олиш учун шубҳали операциялар вақтида банк карталари ва ҳисобварақларни блоклар тўғрисида мажбурий кўрсатма бериши мумкин бўлади. Эндиликда банклар ва тўлов ташкилотлари фирибгарликка қарши тизимларни жорий этади, йирик ўтказмаларни назорат қилади.

Мазкур ҳужжатга кўра, ўғирлик, фирибгарлик ва бошқа ҳуқуқбузарликка ўз вақтида чек қўйиш мақсадида Марказий банк тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларига банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операциялар содир этилганда, банк карталари, банк ҳисобварақлари ва мобил иловалардаги ҳисобварақлардан фойдаланишни уч кунгача муддатга вақтинча чеклаш тўғрисида мажбурий кўрсатмалар бериш ваколатини олади.

Марказий банкка бир ой муддатда қуйидагилар назарда тутилган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди:

- тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан фуқароларга онлайн хизматлар кўрсатишда техник ҳимоя усуллари тақомиллаштириш, антифрод тизимларини жорий этиш, кетма-кет уч ёки ундан ортиқ ўтказмалар назоратини автоматлаштириш, банк карталаридан фойдаланишни ҳамда жисмоний шахслар ўртасида катта миқдордаги пул ўтказмаларини (р2р-ўтказмалар) биометрик ва бошқа ҳимоя чораларини

қўллаган ҳолда назорат қилиш механизмларини жорий этиш;

- замонавий таҳдидлар, банк карталари (карта реквизитлари) билан, шу жумладан, электрон тўлов тизимлари орқали ноқонуний операцияларнинг олдини олиш учун аҳолининг рақамли молиявий саводхонлигини ошириш.

Ички ишлар вазирлигига бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда уч ой муддатда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини тасдиқлаш топширилди.

Эндиликда Ўзбекистонда банклар ва тўлов тизимларининг мобил иловаларидаги хавфсизлик даражасини ошириш учун янги рўйхатдан ўтган фойдаланувчининг маблағларини ўтказиш имкониятини 1 соатгача чеклаш режалаштирилмоқда. Фойдаланувчиларга унинг профилига кирилганлик ҳақида SMS-хабар юборилади.

Марказий банкда замонавий биометрик идентификация тизимини қўлланган ҳолда мижозларни идентификация қилиш тизими йўлга қўйилади. Шунингдек, SIM-карта, мобил қурилма IMEI-коди, интернет тармоғи (роуминг) орқали маълумотларни идентификация қилиш тизимини банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларида жорий этиш режалаштирилмоқда.

Банклар ва тўлов тизимларининг мобил иловаларидаги хавфсизлик даражасини ошириш учун янги рўйхатдан ўтган фойдаланувчининг маблағларини ўтказиш имкониятини 1 соатгача чеклаш режалаштирилган. Асосий фойдаланувчига унинг профилига кирилганлик ҳақида дарҳол SMS-хабар юбориш ва мобил қурилмалар хусусида IMEI, IMSI, DeviceID ва бошқа қўшимча

маълумотларни йиғиш белгиланмоқда.

Фойдаланувчиларнинг SMS-хабарлар орқали олинган бир марталик (one time password) паролларини ҳимоя қилиш механизмининг жорий этиш, шунингдек, банк карталаридан маблағларни ўғирлаш ҳолатлари ҳақида келиб тушаётган муножаатлар бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни (блоклар ва бошқалар) кўриш белгиланган. Шу билан бирга, банк карта маълумотлари интернет тармоғида тарқалиши бўйича хабардор қилиш ва мониторинг мақсадида замонавий дастурий воситаларни яратиш режалаштирилган.

ОЛТИН ЎРТАЛИҚ ЗАРУР

Иқтисодчи Отабек Бакиров марказлашган қодаларни жорий қилишда олтин ўрталикни топиш кераклигини таъкидлаган. Унинг фикрича, бундай қодалар кўпинча кенг муҳокама ва ўрганишларсиз ишга туширилади, натижада фирибгар ва спекулянтлар бир четда қолиб қонунга итоат этувчи соғлом мижозлар жабр кўришни бошлайди. Тўғри ўрталик танланмаса, эртага эркинликдан ҳам, хавфсизликдан ҳам мосуво бўлиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас, деган у.

Айрим манбаларга кўра, жорий йилда ўзбекистонликларнинг карталаридан 300 миллиард сўм атрофида маблағ турли йўллар билан ўмарилган. Пластик карталар орқали фирибгарликка қарши курашиш марказлашган ҳолда ташкил этиладиган бўлмоқда, Марказий банк бу борада қўшимча ваколатларга эга бўлмоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан "Журналистик фаолиятнинг ҳуқуқий ҳимояси: қонунчиликни қўллаш ва ислохотлар" мавзусида семинар ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 31 йиллиги муносабати билан "Мадад" нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу семинарда оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар, ҳуқуқшунослар иштирок этишди.



Янгиланган Конституциямизда оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўққинлик қилиш ёки аралаштириш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши каби янги норма ва моддаларнинг мустақамлаб қўйилиши тарихий воқеа бўлгани алоҳида қайд этилди.

Семинарда журналистик фаолиятнинг ҳуқуқий асослари, соҳада ахборот олиш ҳамда тарқатиш билан боғлиқ муаммолар учраётгани ва буни бартараф қилиш йўллари хусусида фикр-мулоҳазалар бил-

дирилди. Журналист ва блогерларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш зарурлиги, айрим ОАВ вакиллари томонидан ижтимоий тармоқларга инсоннинг шахсий маълумотлари, унинг шаъни ва кадр-қимматига даҳл қиладиган, баъзан очикдан-очик зўравонлик ва ҳақорат кўринишдаги пост ва изоҳларни жойлаштириш, айрим жойларда эса журналистик фаолиятга тўққинлик қилиш ҳолатлари ҳам учраётгани алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, семинар иштирок-

чилари замонавий журналистиканинг ривожланиш тамойиллари, бугунги кунда журналистлар олдида турган муҳим вазифалар, муаммолар, ОАВ ходимларининг касбий маҳоратини ошириш, босма ва интернет нашрларда ҳолис ва ҳаққоний ахборот тарқатиши таъминлаш сингари муҳим масалалар тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

БИЛАСИЗМИ?

НОГИРОНЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

— Ногиронлиги бўлган шахслар учун ОТМда давлат гранти асосида қўшимча қабул квотаси ажратилади.

— Ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари учун ажратилган тўхтаб туриш жойларидан фойдаланганлик учун ҳақ олинмайди.

— I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ДХМ ва (ёки) ЯИДХП орқали хизмат кўрсатишда 50 фоиз миқдорда чегирма қўлланилади.

— Ногиронлиги бўлган шахслардан жамоат бирлашмалари раҳбарларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун давлат божи ундирилмайди.

— Ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ҳамда I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга (<https://lex.uz/docs/6411319#6411675>) ногиронлик нафақасини тайинлашда давлат хизматлари бепул кўрсатилади.

— I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар болаларини давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилишда имтиёзли рўйхатга киритилган.

— Тегшли тиббий ҳулоса асосида муҳтож шахсларга протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари берилади.

— Ногиронлиги бўлган шахслар санаторий-курортда бепул соғломлаштириш ҳуқуқига эга.

— I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг мулкда бўлган мол-мулк 60 квадрат метр доирасида солиқ солишдан озод қилинади.

— Меҳмонхоналарда ногиронлиги бўлган шахслар учун алоҳида шароитга эга хона ташкил этилади.

— Хизмат турар жойларида яшаётган I ва II гуруҳ ногиронлари хизмат уйидан бошқа турар жой берган ҳолда кўчирилади.

— Ногиронлиги бўлган ёшларга БХМнинг 50 бараваригача (17 млн сўмгача) субсидия ажратилади.

— I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ер солиғидан озод қилинади.

— Бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилмаган бассейнларда шуғулланиш ва улардан фойдаланиш учун ногиронлиги бўлган болалар тўловдан озод этилади.

— Болалиқдан ногирон бўлганлар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронларининг МХТЭКМнинг 3 баравари (3 млн 150 минг сўм) миқдоридagi маблағлари даромад солиғига тортилмайди.



Ичкиликбозлик ёки гиёвандликка мубтало бўлган ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин

Ота-она (улардан бири) қуйидаги ҳолларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин:

- ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа;

- узрсиз сабабларга кўра, ўз боласини туғуруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса;

- ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан, жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса;

- муттасил ичкиликбозлик ёки гиёвандликка мубтало бўлган бўлса;

- ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотинининг) ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса.

#2023_йил_1_декабрдан

Махсус иқтисодий зоналар ҳудудида **инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш** my.gov.uz орқали ҳам амалга оширилади

Қонунчиликка кўра, махсус иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш, иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш, улар билан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги битим ва ижара шартномаларини тузиш бўйича давлат хизматлари ЯИДХП (my.gov.uz), Давлат хизматлари марказлари ёки махсус иқтисодий зоналар дирекцияларига тўғридан-тўғри муножаат қилиш орқали амалга оширилади.

t.me/huquqiyaxborot

REKLAMA O'RNIDA

+2
+7
Korakolpoiston
Respublikasi
Xorazm+11
+16
Bukhoro
Navoiy+13
+18
Toshkent
Samarqand
Jizzax
Sirdar+15
+20
Qashqadaryo
Suxxondaryo+11
+16
Andijon
Namangan
Farg'ona+15
+17
Toshkent
shaxri

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

НАМАНГАННИНГ ҚУРУВЧИ ЎҒЛОНИ



ОҲАНГАРОН — ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ БУГУНГИ КУНДА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАН ТУМАНЛАРИДАН БИРИ САНАЛАДИ. ҚУРАМА ТОҒЛАР БАҒРИДА ЖОЙЛАШГАН ТУМАН ЎЗИНИНГ БОЙ ТАРИХИГА ЭГА БЎЛИБ, КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА БУ ЕРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР ХУДУД ҚИЁФАСИНИ ҲАМДА ОДАМЛАРИНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ИЖОБИЙ ТОМОНГА ЎЗГАРТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА. ХУСУСАН, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2020 ЙИЛ 7 ДЕКАБРДАГИ "2021-2022 ЙИЛЛАРДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ОҲАНГАРОН ТУМАНИНИ КОМПЛЕКС ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИ ТУМАННИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ, САНОАТ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҲАМДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ, МУҲАНДИСЛИК-КОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ҲАМДА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШДА КАТТА ЎРИН ТУТМОҚДА.



— Президентимизнинг ушбу қарори чин маънода Оҳангарон тумани ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда, - дейди биз билан суҳбатда "Kushon qurilish dizayn" МЧЖ раҳбари Анваржон Мамашаев. —Мазкур қарор билан тасдиқланган "2021-2022 йилларда Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастури" доирасида амалга оширилган ишлар салмоғига кўра тарихий аҳамият касб этди, дейиш мумкин. Дастурда йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш, замонавий қиёфадаги туман марказини барпо этиш ҳамда ободонлаштириш ишларини жадаллаштириш масалалари устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди ва биз ҳам жамоамиз билан ушбу вазифаларни амалга оширишда фаол қатнашиб келмоқдамиз. Ўтган вақт мобайнида "Янги Ўзбекистон" лойиҳалари асосида тумандаги кўплаб ижтимоий объектларни, уй-жойларни қуриб фойдаланишига топширдик.

Оҳангарон туманининг географик харитасига эътибор берадиган бўлсак, Тошкент вилоятининг жануби-шарқий қисмида жойлашган ушбу туман нафақат иқтисодий салоҳияти, балки худудига кўра ҳам вилоятдаги туманлар орасида етакчилик қилади. Туманнинг маъмурий маркази - Оҳангарон шаҳри бўлиб, тумандаги шаҳар мақомига эга бўлган ягона шаҳарча ҳисобланади. Суҳбатдошимизнинг айтишича, кейинги йиллардаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари Оҳангарон шаҳрининг замонавий қиёфасини яратмоқда.

— Шаҳарнинг мезморий қиёфасини тубдан янгилаш борасида амалга оширилаётган ишларда замонавий архитектурага эътибор қаратилаётгани мени жуда қувонтиради, - дейди Анваржон Мамашаев. —Намунавий лойиҳалар

асосида барпо этилаётган уй-жойлар, ижтимоий объектлар, хизмат кўрсатиш мажмуалари яхлит ҳолда барча қулайликларга ва ўзига хос архитектурага эга шаҳарни барпо қилишга хизмат қилмоқда. Нафақат Оҳангарон шаҳрида, балки туманнинг барча жойларида ҳам мана шундай ечим асосида ишлар ташкил этилмоқда. Бунинг натижасида эса одамларимизнинг ўз ҳаётига бўлган ишончи юксалиб, яшашга, келажакка бўлган интилиши кучаймоқда.

Дарҳақиқат, шундай. Ободлик бор жойда, файзу барақа, ривожланиш бўлади. Мақоламиз қаҳрамони Анваржон Мамашаевнинг фаолияти ҳам мана шундай хайрли ишларга уйғунлашиб кетган бўлиб, бундан унинг ўзи ҳам доимо фахрланади. 1981 йил 7 августда Наманган вилоятининг Косонсой туманида туғилган Анваржон Мамашаев Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг "Бино ва иншоотлар қурилиши" факультетида тахсил олган. Илк фаолиятини Ангрен туман йўл қурилиш корхонасида иш бошқарувчи бўлиб бошлаган.

— Қурувчилик менга ота мерос, — дейди суҳбатдошимиз жилмайиб. — Негаки, отам Акрамжон ака қурувчи бўлиб, кўплаб уй-жойларни, биноларни қурганлар. Онам Гуландом опа менинг қизиқишларимни доимо қўллаб-қувватлаган. Тақдир менга мана шундай меҳрибон ота-она билан бирга ўз ишининг фидойиси бўлган инсонларни устоз қилгани ҳам ҳаётдаги ютуқларимдан бири деб ўйлайман. Масалан, Ўктам Турсунов талабчанлик билан ёндошган ҳолда менга тўғри йўл кўрсатиб, беминнат маслаҳатларини аямаганлар. Яна устозларимдан Муродхон ва Музаффархон Абдулҳаев, туманимиз ҳокими Эркин Мухиддиновдан ҳам кўп нарсаларни ўрганаман, улар билан ўзаро маслаҳатлашиб



ҳар бир бир иншоотнинг лойиҳасини муҳокама қилиб, ишларни бошлайман. Тошкент вилояти капитал қурилиш бошқармаси масъул ходими Хусан Қобилов ҳам доимо бошлаган ишларимизда, янги лойиҳаларимизда ўз фикр-маслаҳатларини, кўрсатмаларини бериб устозлик қиладилар. Фаолиятим давомида кўплаб қурилишларда иштирок этдим, уларнинг ақсариятини барпо этишда раҳбар бўлдим. Ёнимда узоқ йиллик тажрибага эга бўлган ажойиб бағрикенг, қалбидарё, меҳрибон устозларим борлигидан фахрланаман. Устозларнинг маслаҳатлари, тўғри йўл кўрсатишлари инсонга янада куч-ғайрат бағишлайди, уларнинг умрлари узоқ бўлсин. Шу ўринда бир ҳикматни айтиб ўтсам. Дейдилар-

ки, дунёдаги барча касбларнинг ичида устозлик, йўлсозлик, қурувчилик касбларининг алоҳида ўрни бор. Негаки, устоз тайёрлаган шогирдлар маълум бир касбнинг давомийлигини таъминлайди. Йўлсоз қурган йўللар асрлар давомида барчага бирдай хизмат қилса, қурувчи қурган уйлар авлодларга бошпана бўлади. Демокчи бўлганим, фаолиятим мана шундай масъулиятли касб билан уйғун кечаётганидан фахрланаман. Бизнинг интилишларимизни рўёбга чиқаришда энг аввало, юртимиздаги тинчлик-осойишталикнинг ўрни катта. Юртимизнинг тинчлиги доимий бўлсин!

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.



MUASSIS:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihidin MUHIDDINOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Shuhrat ISLOMOV

Toشتهмир XUDYOYULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Telefonlar: (71) 239-12-14

Reklama b'limi: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1236. 6718 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 21:35

Topshirilgan vaqti — 23:45

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.